БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 125 (3353). | Сешанба, 28 июнь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛСИН!

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида қурилган янги кўркам турар-жой бинолари.

А. Абалян фотоси.

БЎКА РАЙОНИДАГИ ИЛЬИЧ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ КОЛХОЗЧИЛАР МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ПУНКТЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюроси Бўка районидаги Ильич номли колхознинг колхозчилар меҳнат маданияти ва турмуш шароитини яхшилаш ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни обод қилиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область партия комитети бюроси область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, колхозларнинг правлениеларига Бўка районидаги Ильич номли колхоз белгиларган тадбирларни муҳокама қилиш, колхозчилар, ишчилар, бутун қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш ҳамда иш маданиятини яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди.

Область газеталари редакцияларига матбуот саҳифаларида қишлоқларни ободонлаштириш, шунингдек колхозчилар ва совхоз ишчиларига меҳнат ва турмуш учун зарур шароит яратиб бериш юзасидан колхоз ва совхозлар амалга ошираётган ишлари кенг ёритиб бориш вазифаси топширилди.

Биз, Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзолари, «Советская Россия» газетасининг шу йил 8 июнь сонида босилган Ульяновск область Новосасск районидаги «Россия» колхозининг Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат ва турмуш маданиятини ошириш, аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш юзасидан ишлаб чиқан тадбирлари билан танишиб чиққач, ушбу бешйилликда колхозчиларимизнинг меҳнат ва турмуш маданиятини яхшилаш бўйича ўз тадбирларимизни белгилаб олдик.

1950 йилда биз 160 онла бўлиб, собиқ Паркент районидан Бўка районига баҳорикор ерларни ўзлаштириш учун кўчиб ўтган эдик. Уша пайтда бу ерда унча катта бўлмаган икки хўжалик — Фрунзе номли ва «Ленинизм» колхозлари ташкил этилган эди.

Биринчи йили иккала артель бир бўлиб, 300 гектар майдонга чигит экди. Шу йил иккала колхоз даромади 15 минг сўмни ташкил этди.

1961 йили ҳар икки колхоз ягона қишлоқ хўжалик артелига бирлашди, унга Ильич номи берилди.

Кейинги йилларда колхозимиз ўсиб, экономикаси мустаҳкамлана борди.

Шу йиллар ичида хўжалик экономикаси тўхтовсиз ривожланди. 1961 йили экин майдони 1963 гектарга етди. Шундан 1470 гектарига чигит экилди. Пахтадан олинган ялпи ҳосил 3365 тоннани ташкил этди. 1965 йили умумий экин майдони 2601 гектарга етказилди, шундан 2051 гектарига чигит экилди. Пахтадан шу йили 3037 тонна ҳосил олинди. Колхозда 19 та комплекс механизациялашган звено тузилган.

Ўтган йили пул даромадимиз 1698,9 минг сўм бўлди. 1961 йилда эса 1149,5 минг сўм бўлган эди. 1966 йилда ишлаб чиқариш-молия планида 1698,3 минг сўм даромад қилиш кўзда тутилган. 1970 йилга борис эса даромадимиз 1728 минг сўмга етади.

Даромадларнинг ортиб бориши туфайли колхозчиларга меҳнат ҳақи ҳам кўп тўланяпти. Агар 1961 йили колхозчиларнинг иш ҳақи фонди 522,3 минг сўмни ташкил этган ва киши кунига 2 сўм 96 тийиндан тўланган бўлса, 1965 йили шу мақсадлар учун 718 минг сўм ажратилди, киши кунига эса 4 сўм 10 тийинданга тўғри келди.

1965 йили механизаторнинг ўртача ойлик ишқаки 162 сўмдан, сут соғувчиники — 70 сўмдан, бошқа колхозчиларники — 106 сўмданга тўғри келди. Ўтган йили фақат қўшимча ҳақ тарақасида колхозчиларга 123,3 минг сўм берилди.

1961 йилдан бошлаб артелимизда меҳнатга тўғридан-тўғри пул билан ҳақ тўлаш, колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида эса ички хўжалик ҳисоби жорий этилди.

Даромаднинг кўпайиши натижасида колхозчиларнинг турмуш даражаси ҳам яхшиланиб ва фаровонлашиб бораяпти.

Ҳозир колхозда 452 хўжалик бор. 235 хонадон телевизор, тўрт ишлаб чиқариш илгори «Волга» автомашинаси сотиб олди, тўрт киши «Москвич» машинаси ва 12 киши мотоциклга эга. Колхоз тўла радио ва телефонлаштирилган. Колхозчилар 2000 дан ортиқ газета ва журналлар олиб турадилар.

Сўнгги йилларда колхозда колхозчиларнинг ўз кучлари билан 142 та шинам уй қурилди.

Колхозда 11,2 километр узунликда водопровод трубалари ётқизилди, кўчаларга 60 дан ортиқ водопровод колонкалари ўрнатилди. 120 хонадонга водопровод ўтказилди. 8 та типовой дала шийпони, 330 ўринли уч мактаб, колхоз правлениесининг янги бинаси, икки новвойхона, 50 ўринли касалхона, 100 болага мўлжалланган ясли, 2-участкада медицина пункти, сабзавот ва гўшт дўконлари қурилди.

Бироқ, кишиларимиз эҳтиёжи йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Бу эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун биз яқин вақт ичида колхозчилар меҳнат ва турмуш маданиятини ошириш масалаларига эътиборни янада кучайтиришимиз зарур. Бу соҳада ҳали анча-мунча камчиликларимиз бор. Ана шу мақсадлар учун сўнгги йилларга қадар кам маблағ ажратилиб келди.

КПСС XXIII съезди шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштиришни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди.

Ўз имкониятларимиз ва колхоз ресурсларини ҳисоблаб кўриб, биз ана шу яқинлашув процессини тезлаштириш мақсадида ҳамда қишлоқларимизнинг турмуш маданиятини кўтариш, колхозчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга ушбу беш йилликда ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор беришга қарор қилдик. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш билан боғлиқ қурилишларни ҳам асло бўшаштирмаймиз.

1966 йили 600 ўринли клуб қуриб битказилади, иккита типовой шийпон, 400 ўринли ёзги кинотеатр, 2-участкада 90 ўринли болалар боғчаси қурилади. Смета 150 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Бу пул 1966 йил даромадидан ажратиладиган ўз капитал маблағимиз ҳисобидан сарфланади.

1970 йилгача колхозда яна ўнта типовой дала шийпони, колхозчилар учун 70 та уй, 20 ўринли меҳмонхона, стадион ва медпункт қурилади. Бу қурилишларга 750 минг сўмга яқин сарфланади. Шундай қилиб ҳар йили маданий-маиший қурилишларга 180—200 минг сўмдан сарфланади.

Мана шу бешйилликда физкультура ишлари жонлантириб 1966 йилдан бошлаб колхозда физкультура ташкилотчиси штати жорий этилди. Иккита мактаб футбол командаси тузилди. Физкультура ва спортни ривожлантириш бўйича бошқа тадбирлар ҳам кўриляпти.

1966 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 25 ўринли икки ҳафталик дам олиш уйи очилади. Унда ҳар йили 600 киши ҳордиқ чиқаради.

Ремонт-техника базасида ётоқхона қурилиши тугалланяпти, 100 ўринли ошхона ва икки бўлимдан иборат душхона установкаси қурилмоқда.

1966 йил охирида 100 номерли автомат-телефон станцияси ўрнатилади. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига қадар барча колхозчилар яшаш учун қулай ва шинам уйларга кўчиб ўтадилар.

Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши колхозчилар маданий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Биз Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини жонажон Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилганмиз.

Бу тадбирлар колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг қўшма мажлисида кўриб чиқилган ҳамда колхозчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган.

Қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг топшириғига мувофиқ:

ЖОРҚИНБОЕВ,
колхоз правлениесининг раиси

АНОРБЕКОВ,
партия ташкилотининг секретари.

ҚУЛМИРЗАЕВ
бош бухгалтер.

18 июнь, 1966 йил.

ТОШКЕНТ — ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Шарқнинг кўҳна шаҳри — Тошкентнинг номи ҳозир бутун дунёда ҳаяжон ва ҳурмат билан тилга олинмоқда. Табиий офат-зилзила оқибатларини сабот-матонат билан тугатаётган пойтахтимиз социалистик тузумнинг, партия ленинча миллий сиёсатининг, совет халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошлигининг қудратли кучини бутун оламга намойиш қилмоқда.

СССР халқларининг онласи — ягона оила. Ана шу онлада бир кишининг бошига тушган кулфат ҳамманинг ҳам кулфатидир. Шунинг учун ҳам зилзиладан кейин сал фурсат ўтмасданоқ мамлакатимизнинг қон-қардош халқлари янги Тошкентни бунёд этишнинг бутун фронти бўйлаб қурилиш жангини авж олдириб юборишдилар.

Баҳорининг 26 апрель тонгида рўй берган зилзила ҳамшаҳарларимизга кўп ташвиш ва азият келтирди. Ўн мингларча бино ва иншоот, шу жумладан 85 минг квартира шикастланди ва вайрон бўлди. 68 минг оила бошпанасиз қолди. Шулардан сал кам 40 минг онланинг уйжойи батамом инсдан чиқди. Бундан ташқари 700 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ўнлаб маъмурий, коммунал корхоналари, ўқув юртлари ва мактаблар, маданий-оқартув муассасалари бинолари шикастланди. Шаҳардаги саноат корхоналарининг қариб тўртдан бирининг бинолари қисман ёки бутунлай вайрон бўлди.

Агар шунча кулфат, шунча моддий маҳрумлик Тошкентнинг бошига революциядан илгариги эски тузум вақтида тушганида борми, шаҳарнинг вайрона ичидан қаддини кўтариб чиқиши амри-маҳол эди. Киши кишига дўст, ўртоқ, биродар деган олижаноб, энг инсоний принцип амал қилаётган Советлар дўнёнинг тенгқур фарзанди — Тошкент табиий офат етказган зарар меёри қанча бўлмасин, ўзини йўқотмади, саросимага тушмади, кулфатмусибатда қадди букилиб қолмади. Чунки унинг қаторда норлари — қувончига шерик, дардига малҳам қон-қардош дўстлари, ғамхўр отахони ва мураббийси партиямиз бор эди.

Табиий офатдан сўнг бир неча соат ўтиши биланоқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигининг Тошкентга етиб келишлари шаҳримиз меҳнаткашларини ғоятда таъсирлантирди, миннатдорчилик туйғуларини туғёнга келтирди. Уша куниёқ иттифоқ ва республика ҳукумат комиссиялари тузилди, ҳамма министрликлар, идоралар, минглаб кишилар зилзила оқибатларини тугатишга киришдилар.

Партия ва ҳукуматимиз Тошкентга зилзила етказган жароҳатларни қисқа вақт ичида тугатишда ниҳоятда катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Мазкур масала КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида икки марта муҳокама этилиб, зилзила оқибатларини тугатишда биринчи навбатда кўрсатиладиган ёрдам чоралари ҳақида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети тошкентликлар мушкулини тезроқ осон қилишга ғоят катта аҳамият бериб, вужудга келган қийин шароитда уларга зарур қулайликлар яратиб бериш билан бирга, Тошкент ва унинг кишиларининг келажагини бахтли қилиш, ҳар қандай офатга бардош бера оладиган мустаҳкам шаҳар қуриш тадбирларини кўрмоқдалар.

Тошкентликлар янги замон кишисига хос ғўзал маънавий ва сиёсий фазилатларини — коллективизм, ўртоқлик ва қардошлик, ўзаро ёрдамлашиш, бир-бирларига ғоят меҳрибон бўлиш фазилатларини яққол намойиш қилмоқдалар. Тошкентга ёрдам фонди вужудга келтириш, бошпанасиз қолган онлаларни гражданларнинг ўз уйларига ихтиёрий равишда кўчириб олиб кетишлари, иморатлари бузилган районларни тозалашда ихтиёрий равишда қатнашиш, болаларга ғамхўрлик ва бошқа шу каби жуда кўп ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди.

Янги Тошкентни бунёдга келтириш, бошпанасиз қолган ҳамма онлаларни уй-жой билан таъминлаш программаси жуда катта ишларни ўз ичига олади. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан беш йиллик охиригача беш миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилиши кўзда тутилади. Шундан 791 минг квадрат метри бу йил, 1368 минг квадрат метри эса келгуси йилда қўлдан чиқарилади.

Тошкент қурилиши — умумхалқ иши, ажойиб дўстлигимиз рамзи бўлиб қолмоқда. Умумхалқ ҳашари авж олиб кетган пойтахтимизда москваликлар 230 минг, Россия Федерацияси 330 минг, Украина 160 минг, Белоруссия 25 минг, Озарбайжон 30 минг, Армакистон 15 минг квадрат метр уй-жой қуриб берадилар. Ўзбекларнинг бошқа қардошлари ҳам бу ҳашарга солмоқни ҳисса қўшадилар. Умуман, қардошларимиз олий ҳиммат кўрсатиб, тошкентликларга текинга бир миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриб берадилар. Қардошларимиз бунёд этадиган уйларнинг 300 минг квадрат метрига тошкентликлар шу йилнинг ўзидаёқ кўчиб кирадилар.

«Главташкентстрой» ҳозир республикамизнинг энг йирик қурилиш ташкилоти бўлиб қолди. Бу ташкилот бўйича агар ўтган йил 322,2 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил, 470 минг квадрат метр уй-жой қурилиши керак, 1967 йилдан бошлаб қуриладиган уй-жойлар эса ўтган йилгидан уч баравар кўп бўлади. Катта миқёсдаги бу ишларни бажаришни таъминлаш мақсадида «Главташкентстрой» малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар билан мустаҳкамлаямоқда. Ташкилотда қўшимча равишда ўн битта трест тузилди. «Главташкентстрой» маъмурияти ва партия комитети олдига Тошкентни янада гўзал ва обод қилиш, табиий офатга бардош бераднган сифатли ва кўркам барча қулайликларга эга бўлган бинолар қуриш вазифаси қўйилган. Бутун ишни ана шу юксак талаблар даражасида ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми «Тошкент шаҳрида зилзила оқибатларини тугатиш, шаҳарни реконструкция қилиш ва қуришда Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатиш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини бажариш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Пленум Тошкентнинг зилзиладан зарар кўрган ҳамма аҳолисини бошпана билан таъминлаш учун барча чораларни кўриш, ҳамма ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишни Ўзбекистон партия, совет, касаба союзлари, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг биринчи навбатда кўрсатиладиган ёрдам чоралари ҳақида тегишли қарорлар қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажариш ишига барча коммунистларни, комсомолларни, кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилиш лозим. Бунинг учун партия, совет ва комсомол ташкилотлари аҳоли орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни Тошкентда вужудга келган ҳозирги долзарб дамларга жавоб берадиган даражада тақиқл этишлари зарур.

Қардошларимиз мадади, эл-юрт меҳри, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги Тошкент меҳнаткашларига битмас-туганмас ғайрат-шижоат, куч-қудрат бағишламоқда. Тошкентимиз янада гўзал ва обод шаҳарга айланади. У дўстлик ва қардошлигимиз, юксак сабот-матонат ва жасорат рамзи бўлиб қолади.

Узбекистон чорвадорларининг муваффақияти

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириб, меҳнатда янги ғалабага эришдилар. Улар гўшт ва сут тайёрлаш ярим йиллик планини муддатидан илгари — 25 июнда бажардилар.

Гўшт тайёрлаш планини бажаришда Бухоро, Сирдарё, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё областларининг меҳнаткашлари, сут тайёрлашда эса Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Тошкент ва Самарқанд областларининг меҳнаткашлари айниқса намуна бўлдилар.

Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ҒЎЗА КЎСАКЛАДИ

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг ўртоқ А. Душабоев бошлиқ бригада аъзолари хоразмликлар ташаббусига қўшилиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтирмоқдалар. Улар ишни мусобақа асосида ташкил этиб, июнь ойи ичида қатор ораларига комплекс равишда икки марта ишлов бердилар. Июлда ҳам ана шундай ишлаймиз, дейишмоқда.

Бригада ғўзаларини кўрган киши хурсанд бўлади. Ҳар бир тупда 10—12 тадан шона, 2—3 тадан гул бор. Бригаданинг ғўзалари колхозда биринчи бўлиб ҳосил ниҳоналарини кўрсатган эди. Барвақт гулга кирган ғўзалар кўсаклайбошлади. Мўл ҳосил тўпланда Сотилболди Исроилов, Арслон Турднев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган звеноларнинг аъзолари айниқса яхши ишламоқдалар.

Ж. ҲАМРОҚУЛОВ.

ШОНАГА ШОНА, ГУЛГА-ГУЛ

Машъал Хоразм области пахтакорларининг ва «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхози деҳқонларининг ғўза парваришини авж олдириш юзасидан бошлаган ажойиб ташаббуслари кўплар қатори Янгийўлдан Калинин номли колхоз меҳнаткашларини ҳам зўр ғайрат билан ишлашга отлантирди. Улар шу кеча-кундузда ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тезроқ бартараф этиш учун ҳамма участкаларда ишни намунали йўлга қўйганлар.

Гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган Кўчали Маҳрамов бошлиқ нарядсиз звено аъзолари қилаётган ишлар айниқса ибратлидир. Бу звенода учинчи комплекс ишлов ҳам муваффақиятли тугалланди. Д. Ҳидоятов, К. Дўсматов, Қ. Содиқова, Ғ. Ҳидоятов каби уста деҳқонларнинг меҳрига, улар эгатлар узра тараётган оби-ҳаётга қонаётган ғўза ниҳоллари кун сайин шонасига шона, гулига гул қўшиб кузакдаги баракали ҳосилдан дарак беряпти.

А. ЖАЛОЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида республикадаги сайлов округларида СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари тўғрисида президиум секретари Р. Сахибоевнинг ахборотини эшитди.

Олий Совет Президиуми бутун Ўзбекистон территориясида сайловлар уюшқоқлик билан, сайловчиларнинг юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтганлигини мамнуният билан қайд қилди.

Қабул қилинган қарорда сайловларнинг муваффақиятли ўтишига сайлов комиссияларининг, ижроия комитетларининг, депутатларнинг ва маҳаллий советлар сон-саноқсиз активларининг олиб борган катта ташкилотчилик иши ёрдам берганлиги таъкидлаб ўтилди. Алоқа, маданият, савдо министрликлари, «Узбекбирлашув» правлениеси, «Статистика» нашриёти республика бўлими, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг матбуот давлат комитети, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси сайлов кампаниясига актив қатнашдилар.

Шу мажлисда Олий Совет Президиуми «Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида алмашлаб экишни жорий этиш, ўзлаштириш ва ерлардан тўғри фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм областида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала ҳам қараб чиқилди. Бу ҳақда Хоразм область ижроия комитетининг раиси Н. Худойберганов ва республика Олий Советининг қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссияси аъзоси А. Дадабоев доклад қилдилар.

Алмашлаб экиш тўғрисидаги қонуннинг область хўжаликларида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани меҳнаткашлар депутатлари область совети сессиясида муҳокама қилиш тавсия этилди. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети область районлари, колхозлари ва совхозлари ўртасида ғалла ўрим-йиғими ва давлатга ғалла топшириш юзасидан олиб борилаётган мусобақанинг июнь ойи бешинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин** районининг (район партия комитетининг секретари **Камолов**, район ижроия комитетининг раиси **Тожиев**, район комсомол комитетининг секретари **Раҳимжонова**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Убайдулаева**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Усмонов** ўртоқлар)га берилди. Бу районда ғалланинг 31,7 процентини ўриб, беш кунликда ўрим-йиғимда 21,3 процент ўсишга эришиб, ғалла топшириш йиллик планини 152 процент адо этган. Кўчма Қизил байроқ Бекобод районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Тошкент наслчилик совхози** (директори **Русаков**, партия ташкилотининг секретари **Расулов**, ишчилар комитетининг раиси **Каримов**, бош агрономи **Иброҳимов**, бош инженери **Жидков**, бош бухгалтери **Лаврентьев** ўртоқлар)га берилди. Бу совхоз ғалланинг 50,1 процентини йиғиштириб олиб, сўнгги беш кунликда ўрим-йиғимда 14 процент ўсишга эришган ва унинг 99 процентини давлатга топшириб, йиллик планни 121,6 процент бажарган. Кўчма Қизил байроқ Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги **«Политотдел» колхози** (раиси **Хван**, партия ташкилотининг секретари **Пак**, бош инженери **Хван**, бош агрономи **Пак**, бош бухгалтери **Рем** ўртоқлар)га берилди. Бу колхоз ғалланинг 39,6 процентини ўриб, беш кунликда ўрим-йиғимда 21,6 процент ўсишга эришиб, унинг 101,2 процентини давлатга топширган ва ғалла сотиш йиллик планини 115 процент адо этган. Кўчма Қизил байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозидан олиб берилди.

ҒАЛЛА ДАВЛАТГА

ЯНГИБОЗОР, Юқори Чирчиқ районидаги машъал «Политотдел» колхози аъзолари ғалла етиштиришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Колхозчилар 2300 гектардан ортиқроқ баҳорикор ерларга дон экиб мўл ҳосил етиштирдилар.

Колхозчилар ўрим-йиғимни жадал суръатлар билан давом эттириб, бир неча кун ичида давлат омборларига пландаги 1087 тонна ўрнига 1337 тонна ғалла топшириб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар.

* * *

ПАРКЕНТ. «Гулистон» колхозининг азамат ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш йиллик планини муддатидан анча илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Она-Ватан омборларига 15.500 центнер дон топширилди. Гектар бошига пландаги 11 центнер ўрнига 13 центнердан хирмон кўтарилмоқда.

Ғалланы жадал ўриб-йиғиб олиш ва уни давлат омборларига пешма-пеш ташишда комбайнчилардан Муҳсин Беков, Туроб Ҳикматов, Шариф Турсунов, Мурод Исроилов, шоферлардан Робит Ҳамидов, Қутти Ҳасанбоев сингари ўртоқлар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Колхоз ғаллазорларида ҳали ҳосил кўп. Ўрим-йиғимни қизғин давом эттираётган ғаллакорлар давлатга пландан ташқари яна камида 5000 центнер дон сотишга аҳд қилдилар.

ШАРЛЬ ДЕ ГОЛЛЬ ЛЕНИНГРАДДА

ЛЕНИНГРАД, 26 июнь. (ТАСС). Франция Республикасининг президенти Шарль Де Голль кеча кечқурун махсус самолётда Ленинградга келди. СССР Министрлар Советининг раиси А.Н. Косигин президент билан бирга келди.

Франция, СССР ва РСФСР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда фахрий қоровул саф тортиб турди. Франция Республикаси ва Совет Иттифоқи гимнлари ижро этилди.

* * *

ЛЕНИНГРАД, 26 июнь. (ТАСС). Франция президенти Шарль Де Голль рафиқаси билан ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин шаҳарнинг 900 кунлик блокадаси вақтида ҳалок бўлган қаҳрамон ленинградликлар хотирасини ҳурматладилар. Улар очлиқдан, совуқдан, бомбалар ва снарядлар остида ҳалок бўлган бир неча юз минг жангчи ва шаҳарликлар дафн этилган Пискарев ёдгорлик қабристонини зиёрат қилдилар.

ҲАММАГА ВА ҲАР БИР КИШИГА

КПСС XXIII съезди янги беш йилликда экономикани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилар экан, совет кишиларининг турмуш даражасини янада ўстиришни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берди. Бу масала беш йиллик план бўйича Директиваларда марказий ўринлардан бирини эгаллади. Ҳозирги беш йилликнинг кўрсаткичлари моддий-техника базанинг ривожланиши ва халқ фаровонлигини ошириш халқ хўжалиги ресурсларининг миқдорий ўсиши ва экономикада янада чуқур сифат ўзгаришлари ясаш, мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг гуркираб юксалиши ва социал-иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви кабилар узвий бирликда ривожланишини ифодалайди.

Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси энг аввал жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ҳажмига боғлиқдир. Хўш, ана шу соҳалар бўйича кўрсаткичлар даражаси қандай, улар ҳаммага ва ҳар бир совет кишисига нималар бера олади? Мамлакатимиз кишилари ҳозирги планлаштирилаётган беш йиллик якунланган 1970 йилда қандай турмуш кечирадилар? КПСС XXIII съезди ўтган етти йилликни келажак беш йилликдан ажратиб турувчи вақт чегарасидир. Етти йилликда мамлакат ўз миллий даромадини 53 процентга кўпайтирди, 5,5 мингга яқин янги йирик саноат корхоналари қурилди, урушдан кейинги ҳамма йиллардаги миқдорга қарийб тенг келадиган миқдорда, яъни 556 миллион квадрат метр уй-жой барпо этилди.

КПСС XXIII съезди Директивалари яратувчилигининг жанговар программасидир. Директивалар коммунистик қурилиш қайси йўналишларда кенгайиб боради, халқ моддий фаровонлигини ошириш қандай таъминланади, деган саволга аниқ жавоб беради. Беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришни юқори сўрғаларда ривожлантириш кўзда тутилади. Халқ хўжалигини юксалтириш ўтган йилларгагича қараганда анча гармоник тарзда ва кенг кўламда бўлади. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати савдо, уй-жой қурилиши, маиший хизмат соҳалари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш икки марта кўпайтирилади, енгил ва озиқ-овқат саноати учун барқарор қишлоқ хўжалиги ҳомашё базаси бунёд этилади; оғир саноат, айниқса машинасозлик ва химия саноати маҳсулотида истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳиссаси ортади.

Бу беш йилликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группа) ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) сўрғаларини бир-бирига жиддий равишда яқинлаштириш кўзда тутилади. Оғир саноат соҳасида қўлга киритилган муваффақиятларга таяниб, саноатнинг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳаларига анча кўп маблағ сарфланади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг юқори сўрғаларга социалистик жамғарма ҳажмини ҳам оширишга олиб келади. Чунки бундай жамғарма саноатнинг «Б» группасида «А» группасига қараганда юқори бўлади.

Социализмда миллий даромаднинг ўсиши меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишнинг энг умумлашган кўрсаткичи ва реал базаси ҳисобланади. Миллий даромад бутун халққа тегишли бўлиб, умуман бутун жамият ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатлари йўлида тақсимланади. Миллий даромадни ўстириш сўрғаларини тезлаштириш беш йилликнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Уни бундан олдинги беш йилликдаги 33 процент ўрнига, 38—41 процент ўстириш планлаштирилган. Шунингдек, истеъмол фонди, яъни халқ истеъмолига сарфланадиган моддий неъматларнинг умумий суммаси ҳам анча оширилади.

Ижтимоий мулкчилик ҳукмрон бўлган ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига барҳам берилган, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан жамият барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги жорий этилган социализм шароитида моддий ва маданий бойликларни тақсимлашнинг меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб, деган адолатли принципи жорий қилинган. Беш йиллик мобайнида меҳнаткашларнинг реал даромади жон бошига ҳисоблаганда тахминан 1,3 баробар кўпаяди.

Ишчи ва хизматчилар иш ҳақларини ошириш, колхозлар ижтимоий хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтириш меҳнаткашлар даромадини ўстиришда асосий йўналиш бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ хўжалигида иш ҳақининг минимал миқдорини ойига 60 сўмгача кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Колхозчиларга ҳар ойда бериладиган гарантияланган иш ҳақини аста-секин жорий қилишдек йирик вазифа қадамма-қадам ҳал этила боради. Ишлаб чиқаришнинг оширилиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига қараб халқ истеъмоли моллари нинг чакана нархларини арзонлаштириш амалга оширилади.

Беш йилликнинг энг муҳим ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролини тўхтовсиз ошириш бу соҳадаги сиёсатда жуда муҳимдир. Умумий ишимизга энг кўп ҳисса қўшаётган меҳнаткашлар устун даражада рағбатлантирилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир ходими ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланганда унинг иш ҳақи қай даражада ўсишини, корхонанинг қўшимча даромадида унинг ҳиссаси қанақа бўлишини билиб олиши керак. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришда ҳар бир ходим ва коллективнинг қўшаётган ҳиссаси нақадар катта бўлса, ҳамма ва ҳар кимга тегадиган истеъмол буюмлари ҳам шу қадар кўпроқ бўлади.

Ходимларнинг меҳнат шароитлари ва маиший турмушини яхшилашга давлат қўлидаги маблағларни сарфлашдан ташқари, корхона ихтиёрида қоладиган фойда пулидан ҳам ишлатилади. Ишлаб чиқариш келтираётган фойда суммасидан моддий рағбатлантириш ва социал-маданий тадбирлар ҳамда уй-жой қурилиши фонди сифатида корхона ихтиёрига борган сари кўпроқ қолаверади.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ — ОММАГА

Планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системаси ишчиларнинг умум меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини оширади. Корхона коллективларида шундай иш шароитлари жорий қилинадики, унда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир қатнашчиси — у хоҳ ишчи, хоҳ директор бўлсин — ўз фаолияти самарадорлигини оширишдан, жамғаришни кўпайтириш ва ишчи-хизматчилар иш ҳақини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратишдан баравар даражада манфаатдор бўлади. Ана шунда моддий манфаатдорлик маънавий стимуллар билан қўшилиб, беш йилликни муваффақиятли бажаришда ҳақиқатан ҳам архимед ричагига айланади.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишда истеъмолнинг ижтимоий фондлари ҳам муҳим роль ўйнайди бизда. Бу фондлар кўп болалик оилалар турмуш даражасини тезроқ яхшилаш, бутун аҳолининг социал ва маданий эҳтиёжларини борган сари яхшироқ ҳамда тўлароқ қондириш имкониятини беради. Беш йилликда истеъмолнинг ижтимоий фондларини ўстиришдан биринчи навбатда болалар муассасаларида тарбиявий ишлар ва шароитларни яхшилашда, соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришда ва бошқаларда фойдаланилади. Пенсия таъминотини янада яхшилашга ҳам кўпгина маблағ ажратилади.

Халқ фаровонлиги фақат пул даромадларининг ўсишигагина боғлиқ эмас. Бу нарса ўсиб бораётган даромадлар зарур товарлар ва хизматлар билан қай даражада мувофиқ келаётганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминлашда сезиларли даражада ижобий натижаларга эришдик. Лекин ҳали ҳам айрим товарларни ишлаб чиқариш аҳоли талабларидан орқада қолмоқда. Аҳолининг кенг истеъмол молларига нисбатан ўсиб бораётган талабини янада тўлароқ қондириш товар ресурсларини аҳолининг харид қуввати билан тўла баланслаштириш — беш йилликнинг муҳим вазифасидир. Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарадиган енгил, озиқ-овқат, химия ва бошқа саноат соҳаларида корхоналар қурилишини кескин кенгайтириш мўлжалланган, Бунда товар ва буюмларнинг сифатини ошириш, ташқи безагини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Умумий овқатланиш корхоналари тармоғи, кирхоналар, сартарошхоналар, кийимларни химия йўли билан тозалайдиган фабрика ва устаханалар, кийим тикадиган ва ремонт қиладиган устахоналар сони кўпайтирилади. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи бу соҳалар ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамланади. Бу тадбирлар шаҳар ва қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга қаратилгандир.

Уй-жой масаласини ҳал этишга алоҳида эътибор берилади. Бизда жуда кўп уй-жой қурилаётир, лекин шунга қарамай бу масала ҳали ҳам актуал бўлиб қолмоқда. Беш йилликда уй-жой қурилишига маблағ ажратиш кўпайтирилган, биноларнинг сифати ҳам яхшиланади. Уй-жой қурилишига давлат маблағлари сарфланиши билан бир қаторда, уй-жой кооперацияси ҳар томонлама кенгайтирилади, қишлоқ аҳолиси ва колхозлар кучи билан уйлар қуриш авж олдирилади.

Янги шароитда ишлашга тайёрликларига қараб, корхоналар аста-секин икки дам олиш куни бўлган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилади. Бу тадбир катта социал аҳамиятга эга бўлади. Чунки у меҳнат шароитини яхшилаш ва ишчи-хизматчилар ўз бўш вақтидан рационал фойдаланишида қўшимча имкониятлар яратиб беради. Янги графикда ишлашга ўтган корхоналар тажрибаси шуни кўрсатдики, зарур ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилган тақдирда, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланади, дам олиш, болалар тарбияси, жамиятимиз аъзоларининг маданий-техника савиясини ошириш ишларида янада кенг имкониятлар юзага келади.

Совет кишилари билимга маърифатга интилишлари билан ажралиб турадилар. Шуни ҳисобга олиб партиямиз кенг халқ оммасини маданият эришган муваффақиятлардан баҳраманд этиш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни йўқотиш учун социалистик тузумда мовжуд бўлган шарт-шароитларни тўла юзага чиқариш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқда. Мактаблар, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, кутубхоналарнинг иши яхшиланади, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланиб, фаолиятлари такомиллаштирилади. Ишлар учун умумий ўрта таълимга ўтиш асосан тугалланади. Тахминан 7 миллион олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш планлаштирилган. Бу миқдор ўтган беш йилдагича қараганда 65 процент кўпдир.

Бизнинг планимиз халқ моддий фаровонлигини умуман кўтаришнигина эмас, балки қишлоқ билан шаҳар аҳолиси ҳаёт даражасини бир-бирига яқинлаштиришни ҳам кўзда тутади, Бунинг натижасида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш учун янги имкониятлар яратилади. Бу эса ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини, бутун совет халқининг монолит бирлигини таъмин ҳам мустаҳкамлайди.

Халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар катта моддий маблағлар сарфлашни тақозо қилади. 1970 йилда ана шу мақсадлар учун сарфланадиган маблағлар 1965 йилга таққослаганда тахминан 59 миллиард сўмга оширилади. Бу ўринда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мазкур вазифани минималь деб қараётганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Беш йилликда биз қай даражада олга қараб боришимиз, халқ моддий фаровонлиги даражасини ошириш учун қўшимча равишда нималар қила олишимиз ўзимизга боғлиқ.

Катта социал-иқтисодий программани бажаришнинг асосий шарти ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. Жамиятимизнинг моддий ва маънавий прогресси ўз халқ хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан қай даражада саводли идора этишимизга боғлиқдир. Беш йилликда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат унумдорлигини 33—45 процентгача ўстириш кўзда тутилган. Саноатимиз олдидаги бу вазифанинг кўламини тасаввур этиш учун меҳнат унумдорлигини атиги бир процент ошириш 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш деган сўз, эканлигини билиб қўйишнинг ўзи кифоя қилади. Саноат корхоналари ходимларининг иш ҳақини оширишнинг тахминан учдан икки қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан бўлади. Ҳозир моддий харажатларни тежаб сарфлашнинг ҳар бир процента саноатда миллий даромадни бир ярим миллиард сўмдан зиёд кўпайтиради.

Беш йиллик план — яқин йилларга мўлжалланган ижодий фаолиятимизнинг асосидир. Партия халқни совет кишиларининг турмуши йилдан йилга яхши, бой ва маданиятли бўлиб бориши учун ҳамма зарур ишларни қилишга чақирмоқда. Зотан, партиямиз буни ўзининг энг олий бурчи деб билади.

А. ПОЛЬШЧИКОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

КАТТА КУЧ

Мамлакатимизнинг йирик химия гигантларидан бири бўлган Чирчиқ электрохимия комбинати ўз илғорлари, рационализаторлари билан ҳақли равишда фахрланади. Кейинги вақтда бу ерда қатор қимматли янгиликлар амалга оширилди. Бу ишда комбинат доимий ишлаб чиқариш кенгашининг хизмати катта.

Кенгашнинг бутун фаолияти коллектив ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у техникавий янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, технология жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган. Кенгаш составига инженер ва техниклар, корхонанинг илғор ишчилари киритилган бўлиб улар ишлаб чиқиш учун муҳим мулоҳаза ва таклифлар билан чиқишади. Кейин эса, бу таклифлар директор буйруғи ёки бош инженер кўрсатмаси билан расмийлаштирилади. Ишлаб чиқариш кенгашининг президиуми эса уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб туради. Ҳамма қимматли таклифларнинг амалга оширилишига эришиш учун ҳаракат қилади. Шу президиум йиғилишлари ҳамда кенгаш мажлисларида эса бу тавсияларнинг у ёки бу пунктлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида шунча масъул кишиларнинг ахборотлари тингланади. Шуни мамнуният билан қайд қилиш лозимки, кенгаш таклифи билан амалга оширилган янгиликлар корхона цехлари ишини яхшилаб, хомашё ва энергияни иқтисод қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беряпти.

Шу фикрнинг далили учун бир неча мисол келтирайлик.

5-цехда газ турбинаси монтаж қилиниб фойдаланишга топширилган эди. Бу турбина чиқинди газлар энергиясидан фойдаланиб, электр двигатели ишининг анчагина қисмини бажаради. Ҳозирги вақтда йилига шу янгилик туфайли 15—20 миллион киловатт-соат электр қуввати тежаляпти.

Метан конверсияси цехининг ходимлари ҳам муҳим таклифни жорий этишди. Улар катализатор ювишнинг янги усулини қўлладилар. Илгарилари катализатор аппаратдан чиқарилган ҳолда ювилар эди. Энди эса бу иш аппаратнинг ўзида амалга оширилади. Бунинг оқибатида анчагина вақт тежалади. Катализатор доналари ҳам емирилмайдиган бўлиб қолди.

Бу цехда қўлланилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, эндиликда катализаторни аппаратларга қатламлаб ортиш усули жорий қилинди. Бунда ишлатилган катализаторнинг маълум қисми — 40—50 проценти яна аппаратга ортилади. Унинг устига эса янги катализатор қўйилади. Бундай усулнинг афзаллиги шундаки, конвенсиланган газ сифати пасаймаган ҳолда кўпгина катализатор тежалади. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 36 минг 200 сўм иқтисод қилиш мумкин.

Комбинатда ремонт-қурилиш цехининг ходимларини ҳамма яхши танийди. Бу цех коллективи ишлаб чиқариш эстетикасини комбинатда жорий қилиш бўйича катта ишларни амалга оширяпти. Цех ишчиларининг қўли билан корхонадаги асбоб-ускуналар, конструкциялар турли хил рангларга бўяб қўйилди. Цехлар бошқача қиёфага кирди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ишлаб чиқариш кенгашида қабул қилинган таклифлар комбинатнинг деярли бошқа, ҳамма цехларида ҳам кенг жорий этиляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ техника эстетикаси бўйича 227 таклифнинг 183 таси тўла татбиқ қилинди. Бу йил ҳаражат миқдорини камайтириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича кенгашда қабул қилинган 182 таклифнинг 79 таси тўла амалга оширилди. Қолганлари эса реализация қилинаяпти.

Ишлаб чиқариш кенгашининг фаолияти бутун комбинат ходимлари томонидан актив қўллаб-қувватланаётган туфайли ҳам юқорида айтилган ижобий самараларга эришилди. Ишлаб чиқаришни янада такомиллантириш йўлида хизмат қилаётган доимий кенгаш тобора кўпроқ тажриба орттириб бераяпти. Бу билан у комбинат кимёгарларининг мақтовига сазовор бўлмоқда.

К. МОЖАРА,
Чирчиқ электрохимия комбинати доимий ишлаб чиқариш кенгашининг раиси.

Суратда: Тошкент области алоқа бўлимларининг энг ишчан ва илғор ходимлари (чапдан) Санд алоқа бўлимининг бошлиғи А. Эргашев, Оҳангарон алоқа бўлимининг бошлиғи В. А. Зиминцкий, Алимкент алоқа бўлимининг бошлиғи Р. Бодомхонова, Оққўрғон райони алоқа бўлимининг электр механиги В. Ф. Старцев ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

УЙЛАРИМИЗ ЗИЙНАТИ

Замонавий уйларни безайдиган мебелларнинг Олмалиқ фабрикасида ишлаб чиқарила бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда ўзлаштирилди. Фабрика цехларида тайёрланаётган замонавий гарнитура ва турли хил мебеллар республикамизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларига, қардош республикаларга ҳам етказиб берилмоқда.

Ҳолбуки, илгарилари фабрика тайёрлаган маҳсулот на сифатда, на сонда бор эди, ташқи кўриниши ҳам дуруст эмасди. Складлар, савдо ташкилотларида кўплаб чанг босиб ётарди. Харидорлар дидига жавоб бермасди. Оқибатда фабрика планларни дуруст бажармасди.

Ҳозирги вақтда фабрика коллективи ўз ишини қайта қураяпти. Кадрлар билан ишлаш дуруст бўлга қўйилди. Меҳнат интизоми анча мустаҳкамланди Техника эстетикасини жорий қилиш, иш маданиятини ошириш масалаларига эндиликда жиддий эътибор бериладиган бўлди. Бу ишларнинг ҳаммасига ишнинг кўзини пухта биладиган, вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлаётган кадрлар бошчилик қиляпти. Шу туфайли иш натижаси ҳам самарали бўлмоқда. Энг муҳими шуки, корхонада янгиликка интилиш кучайди. Мебелларнинг янги, замонавий турларини тайёрлаш йўлга қўйила бошланди.

Корхонанинг «Юность» деб аталган мебелдар комплекти доруги эса хатто Қозоғистонга ҳам бориб етди. У ердаги савдо ташкилотлари ҳам корхонага буюртма юбормоқдалар.

Ҳозирги вақтда корхонада янги мебель турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш давом этяпти. Бу — каравот, тумбочка, шкаф ва трюмодан иборат ётоқ гарнитурасидир. Фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошиб боради. Янги цехлар қуриляпти бу ерда.

Тўғри, фабрикада тайёрланган маҳсулотнинг ҳаммасини ҳам сифатли, дидимизга мос, бежирим деб бўлмайди. Лекин корхона коллективи замонавий мебель турларини ишлаб чиқариш, улар сифатини оширишга астойдил бел боғлаган. Бу шубҳасиз, ижобий оқибатларга олиб келади. Бу ишда айниқса В. Крицкий бошлиқ бригада аъзолари, станокчи ишчилардан В. Бабкина, Э. Бойжонов, В. Орлова, А. Кузнецова, дурадгор В. Перепелицин каби илғорлар ҳаммага ўрнак бўлишяпти.

Фабрикада қўл меҳнатини енгиллаштирувчи машина ва механизмлар кўплаб ўрнатиляпти. Бу ерда республикада биринчи марта қуритиш асбоб-ускуналарига эга бўлган лак қуювчи машина, учта силлиқлаш станоги ишга туширилди, мебель буюмлари деталларини ҳам билан силлиқлашдек илғор усул тобора кенг қўлланиляпти.

Олмалиқ мебель фабрикаси ходимлари пландагидан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун улар мусобақани тобора авж олдиряпти-лар.

И. СУЛТОНОВ,
Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЖОНКУЯР

Ярим кечада дорихонага ёшгина йигит кириб келди.

— Хизмат, — ўғлим, — хушмуомилалик билан қарши олди дорихона навбатчиси.

— Аманжон, сизда мана шу дорилар борми? — сўради йигит қўлидаги рецептларни узатаркан.

Навбатчи уларни диққат билан кўздан кечирди:

—Иккитаси бор, лекин мана бунисиз йўқ. Бироз кутсангиз тайёрлаб бераман, — деди у.

Ўзининг ширин сўзи, кишиларга гамхўрлиги, ҳалол меҳнати билан эл-юрт таҳсинига сазовор бўлаётган бу киши пойтахтимиздаги 12-дорихона навбатчи-контролёри Абдували Алимов.

Алимов дорихона соҳасида 40 йилдан бери ишлаяпти. У республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги турли дорихоналарда ишлаб, халқимиз саломатлигини сақлашдек шарафли ишда актив қатнашди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда халқимизнинг довюрак ўғил-қизлари қатори она-Ватан мудофаасига отланди. У 62-ўқчи дивизияда дори-дармонлар таъминоти бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Ҳарбий госпиталларда яралар жангчилар учун турли дори-дармонларни тайёрлаб берди.

Улуғ Ватан уруши тугагач, Абдували ака Тошкент медицина техникумида ўқитувчилик қила бошлади. Бой тажрибасини студентларга сидқидилдан ўргатди. Кўплаб малакали фармацент кадрлар етиштирди. Мана, бир неча йилдирки, малакали провизор Тошкентдаги 12-дорихонада навбатчи контролёр бўлиб ишлаётир.

— Абдували акани коллективимиз аъзолари устоз деб ҳурмат қилишади, — дейди дорихона бошқарувчиси А. Султонов.

Кекса провизор барча дориларнинг лотинча ва русча номларинигина эмас, махаллий номларини ҳамда уларни тайёрлаш усулини ҳам яхши билади. Шунинг учун ҳам ёш ассистентлар бирор нарсада қийналишса унга мурожаат қилишади.

Абдували ака ҳозир 60 ёшдан ошди. У бемалол пенсионерлик гаштини суриши мумкин. Лекин касбга бўлган муҳаббат уни ҳамон қайноқ меҳнат қучоғига чорламоқда

Ҳукуматимиз Абдували аканинг узоқ йиллик ҳалол меҳнатини муносиб тақдирлади. Уруш йилларида кўрсатган хизматлари учун Абдували ака бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган. Унинг кўксини безаб турган «Соғлиқни сақлаш аълочиси» значоги ҳам биринчи ўзбек провизори меҳнатига берилган юксак баҳодир.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

КОМБИНАТ КЎЗГУСИ

«1942 йил. Ҳаёт-момот жанглари кетаяпти. Ҳамма фронтга отланган. Цехларда ишчи кучи оз. Айрим агрегатлар тўхтаб қолган. Уша кезларда 15 ёшли Садди комбинат кадрлар бўлимига кириб келди. У ишлаш истагини билдирди. Аввалига, сен ҳали ёшсан, бироз сабр қил, ил қочмас, дейишди. Йўқ, қайсар қиз ўз сўзида туриб олди. Ноилож ишга қабул қилишди. Мана ўшанга ҳозир 24 йил бўлди. Унинг қўлидан неча юз минглаб метр газлама чиқди шу давр ичида. Шулар эвазига ҳукуматимиз Саддининг кўксига Ленин орденини тақиб қўйди. Халқ унга ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади. Мана энди у КПСС XXIII съезди делегати».

Тошкент тўқимачилик комбинати партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг органи бўлган «Голос текстильщика» кўптиражли газетаси КПСС XXIII съезди очилиш куни олдида съезд делегати, донгдор тўқувчи Садди Пўлатова ҳақида ана шундай илиқ сўзларни ёзган эди. Газета тўқувчилар ҳаётини кенг ва тўлақонли акс эттириб келмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Йўлдошева, Ленин орденли йигирувчи М. Алпатова, тўқувчи Л. Светашова каби илғорлар тажрибаси газета саҳифаларида кенг ёритилган.

Ҳозир ҳам газета илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилмоқда. КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш борасида тўқимачилар олиб бораётган курашни тўлақонли ифода этмоқда. Эълон қилинаётган бош мақолалар, тематик саҳифалар, корреспонденция ва лавҳаларда комбинат ҳаёти, илғорлар меҳнати ва ташвиши бутунисича ўз аксини топган. «Партия қарорларини амалга оширамиз!» деган рубрика саҳифаларнинг доимий йўлдошидир. Шу рубрика остида комбинат ҳаёти, рационализатор аёллар, новаторлар жорий қилаётган янгиликлар ёритилмоқда.

ҚУЙИ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

Химиклар К. Мочалина ва В. Кутузова ўртоқлар ип газламани пардозлашда ажойиб химия моддасини қўлланиш устида кўп йиллардан бери изланмоқдалар. Изланиш дастлабки самараларини келтирди. Ҳозир химия мадади билан 32,5 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриляпти. 2-йигирув фабрикаси цех бошлиғи Л. Мирсалимова яратган янгилик ҳам корхонанинг 5,6 минг сўмлик маҳсулотини тежаб қоляпти.

Газета ўз вазифасини пухта билиб новаторлар тажрибасини кенг ёритмоқда. Ички резервларни қидириб топишда ва ишлаб чиқаришга жорий этишда тўқимачиларга яқиндан ёрдам бермоқда.

«Голос текстильщика» газетаси тарбия темасига ҳам катта эътибор билан қараяпти. «Ёш ишчи ва коллектив», «Комбинат ветерани», «Комсомол турмуши» рубрикалари остида берилаётган материаллар тематик жиҳатдан гоятда ранг-барангдир. Бу материалларда ишлаб чиқариш илғорлари ўз касблари ҳақида баҳслашадилар, ёшларда тўқувчилик касбига нисбатан меҳр-муҳаббат уйготадилар.

Газета эришаётган муваффақиятларнинг сири битта. У ҳам бўлса кенг жамоатчи активларга таянганлигидадир. Газета чиқиш ҳам тўқимачиларнинг ўз матбуотига айланиб қолган. Техника информациясй бўлими инженери Н. Компова, техника бўлими бошлиғи А. Ризаев, нормаловчи Е. Бубнова, мастер М. Оглио ва бошқа ўртоқлар ўз мақола ва мулоҳазалари билан газета саҳифаларида тез-тез кўриниб турибдилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, газета айрим соҳаларни ёритишни оз бўлса ҳам эсдан чиқариб қўймоқда. Тўқимачилар қандай дам олаяптилар, уларга маданий-маиший хизмат қай даражада йўлга қўйилган. рўй бераётган камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган тадбирлар — шулар иккинчи планга тушиб қолмоқда. Бундан бўён газета ана шу темаларга ҳам кўпроқ эътибор қилиши лозим.

Л. МАХЛИНА,

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ КЎМИР

Оҳангарон кўмирчилари меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Илғор усуллар ва прогрессив технологияни кенг қўлланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини муттасил механизациялаш туфайли кўмир қазиб чиқариш беш ойлик топшириғи муддатидан анча илгари бажарилди. Июнь ойининг ўтган кунлари ичида ҳам қўшимча 5 минг тоннага яқин «қора олтин» жойларга юборилди.

Кўмир корхоналари коллективлари ўртасидаги ўзаро мусобақада кўмир разрези, 9-шахта кончилари баракали ишлашди. Бу корхоналарнинг шахтерларидан А. Гатаров, М. Ягмуров, Е Абрамкин, И. Федотов, А. Пужайкин ва бошқа ўнлаб пешқадамлар смена топшириқларини доимо 110-135 процентдан бажаришмоқда. Кончилар шу кунларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун мусобақани кучайтиришяпти.

А. ПЕТРОВ,
Т. СОЛИЕВ.

БАДАВЛАТ ДЕҲҚОНЛАР

** Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхозда моддий манфаатдорлик кескин юксалмоқда* * Партия ва ҳукуматимизнинг колхозчиларга гарантияланган ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарори туфайли хўжалик меҳнаткашлари қўшимча равишда 12 минг сўм фойда кўрадилар * Оддий колхозчиларнинг ойлик маоши — 100–150 сўм * Янги усулнинг афзалликлари * **Беш йиллик — тўрт йилда**

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТГАЧ...

УЛУҒ ДОҲИМИЗ Владимир Ильич Ленин янги экономикани яратишнинг амалий тажрибасини умумлаштириб, **социализмни бевосита энтузиазм билан эмас, балки буюк революция вужудга келтирган энтузиазм ёрдамида, шахсий қизиқиш асосида — шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик ҳисоби асосида қуриш ва ўн миллионлаб кишиларни коммунизмга олиб бориш мумкин, шахсий манфаатдорлик эса, ишлаб чиқаришни юксалтиради; биз учун эса, қандай қилиб бўлмасин ишлаб чиқаришни ошириш зарур,** деб уқтирган эди.

Владимир Ильич меҳнатга қараб ҳақ тўлаш принципини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Ҳозирги пайтда жонажон партия ва ҳукуматимиз улуғ доҳининг ана шу кўрсатмаларини амалга оширишга жуда катта эътибор бермоқдалар. Улар барча меҳнаткашларнинг, жумладан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини тобора ошираборишг тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Партиямиз Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумида, тарихий XXIII съездда, бей йиллик Директиваларида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кейнги пайтларда чиқарган бир қанча қарорларида кишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Совет кишилари, хусусан кенг колхозчилар оммаси партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликларини бир жаҳон севинч билан қарши олмоқдалар, бунга жавобан меҳнат активликларини мисли кўрилмаган даражада оширмоқдалар.

Ҳозир истаган колхозингизга бориб колхозчилар билан суҳбат қурсангиз, бухгалтерия ҳужжатларидаги даромад рақамларининг мағзини чақсангиз, қишлоқ меҳнаткашининг хонадонида меҳмон бўлсангиз, колхозчининг бойиётганига, пири-бадавлат бўлиб яшаётганлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Мана, Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз. Биргина ана шу ўрта мнёна хўжалик мисолида юқорида айтиб ўтган фикримизни яққол исбот қилишимиз мумкин. Бу колхоз уч-тўрт йил муқаддам районнинг-гина эмас, балки областимизнинг ҳам энг оқсоқ хўжаликларидан бири эди. Пахта ҳосилдорлиги тубан даражага тушиб қолганди. Маҳсулот кам етиштирилгач, ундан келадиган даромад ҳам кам бўларди. Колхозчилар моддий жиҳатдан оз манфаат кўрардилар. Оқибатда баъзи бир колхозчилар бошқа хўжаликларга кетиб қолишарди.

Хўжаликни юксалтириш мақсадида аввал у қўшни колхозга бирлаштирилди. Яхши натижа бермагач, ажратиб олиб алоҳида колхоз ташкил этилди. Унга турсунойчи механизатор Умринисо Ҳасанова раис қилиб сайланди. Хўжаликни бошқаришга ишбилармон партия ходимлари, агрономлар, бухгалтерлар, экономистлар сафарбар этилди. «Колхозни қандай қилиб қолоқликдан чиқариш керак? қандай қилинса ҳосилдорлик ошади? Одамларнинг жон куйдириб ишлаши учун қанақа тадбир кўриш керак?..» Раиснинг ҳам, партия ташкилоти секретарининг ҳам, мутахассисларнинг ҳам, бухгалтер ва экономистларнинг ҳам фикру-зикрини ана шу жумбоқлар қамраб олди. Атрофлича маслаҳатлашиб шундай фикрга келишди: «Энг аввало, моддий манфаатдорликка кенг йўл очиб берадиган калитни топиш керак». Бу «калит» — хўжалик ҳисоби эди. Областимизда тобора кенг тарқалиб келаётган звено системаси хўжалик ҳисобини жадал жорий этишнинг энг яхши, энг кўп самара берадиган системаси эканлигини чуқур тушуниб етган колхоз раҳбарлари хўжаликни бутунлай звено системасида ишлашга кўчиришга қарор қилдилар. 1964 йилнинг бошидан колхоз бутунлай ана шу системада ишлашга кўчди. Бригадаларнинг ҳаммаси тугатилиб, уларнинг ўрнига 19 та комплекс механизациялашган звено тузилди. Уларга уста механизаторлар бошлиқ қилиб тайинланди. Ҳар уч-тўрт звенога раҳбарлик қилиб туриш учун бир участка ташкил этилди. Бошқа хўжаликларга кетиб қолган механизаторлар ва бошқа кадрлар чақириб келинди. Иш юришгандан юришиб кетди...

ФАРОВОНЛИК РАҚАМЛАРИ

КОЛХОЗЧИЛАР хўжалик ҳаётида кескин бурилиш юз берганини аниқ-равшан пайқайбошладилар. Олдинда жуда катта вазифалар турарди. Ўша кезларда колхоз бош бухгалтери Мирзахўжа Каримов, экономист Ашурали Турдиқулов ва бошқа ҳисобчилар тиним билмай чўт қоқишди. Звено системасининг афзалликларини колхозчиларга аниқ тушунтириб бериш уларнинг зиммасига юклатилган эди. Улар ҳамма звенолар бўйича бажариладиган ишларни, олинадиган даромадни, колхозчиларга тақсимланадиган пулларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Бухгалтерияда тайёрланган ҳужжатлар билан таннишган колхозчилар ҳар бир звено қанча ҳосил етиштирса қанча даромад олишини, пландан ташқари қанча пахта сотилса қўшимча даромад қанча бўлишини, звено аъзолари ой сайин қанча маош олиб боришларини, йил охирида уларга қанча пул тегишини аниқ билиб олишарди.

Хўжалик ҳисоби фақат колхозчиларни фидокорона меҳнатга отлантириб қолмади, балки колхозда мавжуд бўлган баъзи бир тартибсизликларга ҳам барҳам берди. Илгари меҳнат куни ҳисобида ҳақ тўланганида иккиламчи ишларда ишлайдиган колхозчилар ҳам далада тер тўкиб меҳнат қиладиган колхозчилар қатори ҳақ оларедилар. Улар кунларини бекорга ўтказсалар ҳам бир ярим-иккита меҳнат куни ёзиларерарди. Натижада билагидан ўт чақнаб турадиган азамат-азамат кишилар даладаги оғир ишни ташлаб, шунақа енгил-елпи ишларга жойлашиб олган эдилар.

Хўжалик ҳисоби жорий этилгач, ҳар бир киши ўзининг ҳақиқий меҳнатига яраша ҳақ оладиган қилиб қўйилди. Кимки кўп маҳсулот етиштирса, сарф-харажатларни тежаб қолса, ўшанга яхши ҳақ тўланади. Шундан кейин ўша енгил-елпи ишларга кириб олган азаматлар ўз постларига қайтишга мажбур бўлдилар.

Ўтган йилнинг бошидан бошлаб хўжалик ҳисобини янада мустаҳкамлаш мақсадида меҳнатга тўғридан-тўғри ҳақ тўлаш тартибига ўтилди. Энди оддий колхозчилар ҳам худди комплекс механизациялашган звено бошлиқлари каби ой сайин қатъий белгиланган маош олабошладилар.

Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш системаси жорий этилганидан кейин эса иш янаям жадал юришиб кетди. Ўтган йили май ойидан бошлаб ҳар бир колхозчига муайян ер участкаси ажратиб берилди. «Сизга мана шу ер. Шунинг чопиғини вақтида сифатли қилиб ўтказсангиз, бегона ўтлардан ҳоли қилсангиз, кўчатин тўла сақласангиз, чеканкани кўнгилдагидай бажарсангиз, мана шунча ҳақ тўланади» дейилди. Бу тадбир колхозчиларнинг ишга бўлган қизиқишинигина орттириб қолмасдан, уларнинг масъулиятини ҳам ошириди. Энди қайси ерда ким ишлаётгани беш қўлдай маълум. Агар бирор ерни ўт босиб кетган бўлса, ёки чопиғи сифатсиз ўтказилган бўлса, ёхуд кўчати нобуд қилинган бўлса, ўша ерга биркитилган колхозчига мурожаат қилинади. Келтирган зиёни бериладиган ҳақдан ушлаб қолинади.

Хўш, ишни бундай ташкил этиш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш, моддий манфаатдорликни ошириш колхозга нима берди? — деб сўрарсиз. Жуда катта фойда берди. Авваламбор ҳосилдорлик тез кўтарилиб кетди, маҳсулот етиштириш учун кетадиган сарф-харажатлар камайди, таннарх арзонлашди, техника ўзининг ҳақиқий кучини кўрсата бошлади, колхозчиларнинг чўнтаги қаппайди. Мана, рақамларга мурожаат қиламиз. **1963 йилда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 15 центнерга ҳам етмаган эди. 1964 йилда бирданига 21,7 центнердан, 1965 йилда эса 25,5 центнердан хирмон кўтарилди. Илгарилари пахта тайёрлаш йиллик плани 100—120 кунда аранг бажарилдиган бўлса, бултур атиги 23 кун ичида ошириб бажарилди.** Машина терминнинг миқёси мисли кўрилмаган даражада кенгайди. 1963 йилда 10 та машина билан бор-йўғи 69 тонна пахта териб олинган бўлса, ўтган йили 20 та машина билан 1240 тонна ёки ялпи ҳосилнинг 1963 йилдаги 6 процента ўрнига 56 процента териб олинди. 1963 йилда колхоз бўйича ҳар гектар ердан 478 сўм даромад олинган бўлса, 1964 йилда 710 сўм, ўтган йили эса минг сўм даромад олинди.

Энди колхозчиларнинг даромади қандай ўсганлиги билан танишайлик. Бир колхозчининг ўртача йиллик даромади 1963 йилда 566 сўмни ташкил этган эди. Ундан кейинги йили 935 сўмга кўтарилди. Бултур эса, 1405 сўмни ташкил этди. Пахтадан юқори ҳосил олган, йиллик планни анча ортиғи билан бажарган, машина терминни кенг жорий этган, сарф-харажатларни ва таннархни анча арзонлаштирган илғор звеноларнинг аъзоларига теккан пул ҳамманикидан ҳам кўп бўлди. Мана масалан, Ҳакимполвон Саидғозиев бошлиқ звено. **Ҳакимполвоннинг бултурги даромади 3200 сўм бўлди. Звено аъзоларининг ўртача йиллик даромадлари эса 2200 сўмдан ошиб кетди. Улар ҳар бир меҳнат кунлари эвазига 8 сўм 72 тийиндан пул олдилар.** Планни ошириб бажарганликлари, давлатга юқори сортли пахта сотганликлари, сарф-харажатларни камайтирганликлари учун асосий маошларининг ҳар бир сўмига ҳисоблаганда 2 сўм 65 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Саидаҳмад Усмонов, Исроил Ёқубов, Юнус Умурзоқов сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг аъзолари ҳам баракали даромад олдилар.

Бу йилдан бошлаб меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш системаси тағин ҳам мустаҳкамланди. Ўтган йили колхозчиларга муайян ер участкалари уч ойлик муддатга бўлиб берилган эди. Бунда колхозчилар май ойидан бошлаб августгача ўзларига биркитилган участкада ишлашар, шу давр ичида меҳнатларига аниқ ҳисобланган ҳақ олиб турар эдилар. Бу йил эса, ана шу муддат беш ойга етказилди. Энди колхозчиларга 15 мартдан 15 августгача муайян ер участкалари ажратиб берилди. Бу тадбир ишнинг бошидан пухта бажарилишига катта имкон бермоқда.

Колхоз бухгалтерлари ана шу беш ой ичида қилинадиган ишларга тўланадиган ҳақни аниқ ҳисоблаб чиқдилар. Ҳар бир звено учун алоҳида ҳужжатлар тайёрланди. Масалан, Холмуҳаммад Тўхтаев бошлиқ звенони олиб кўрайлик. Бу звенода ҳар бир гектар ерга берилган ишлов эвазига 92 сўм 96 тийиндан пул берилади. Колхозчиларнинг имконларига қараб уларнинг ҳар бирига уч-тўрт гектардан ҳатто олти-етти гектардан ер ажратиб берилган. Улар бухгалтерияда тузилган ҳужжат бўйича ишлаган ерларига қараб ҳар ўн беш кунда ҳақ олиб турибдилар.

БУХГАЛТЕР ЧЎТ ҚОҚҚАНДА...

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. **КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йил 16 майда қабул қилган «Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин рамзи бўлди. Бу қарор кенг колхозчилар оммаси ўртасида катта қизиқиш уйғотди.**

— Колхозчиларга гарантияланган ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарорни радиодан эшитишимиз биланоқ дарҳол хомчўт қилиб кўрдик,— дейди колхоз бош бухгалтери Мирзахўжа Каримов.

Дарҳақиқат у шундай қилди. Қарорнинг мазмунини тушуниб олгач, тегишли ҳужжатларни олиб, чўт қоқишга тушди. Ҳисоблаб кўрса, колхозчилар, биринчи навбатда бевосита далада меҳнат қилаётган кишилар шу қарор туфайли жуда катта фойда кўрар эканлар.

Партия ва ҳукуматимизнинг мазкур қарорида колхозларга совхоз ходимлари тегишли категорияларининг тариф ставкаларига асосланиб, колхозчилар меҳнатига (пул ва натура билан) гарантияланган ҳақ тўлашни 1966 йил 1 июлдан бошлаб жорий қилиш тавсия этилган. Иш нормалари совхозлардаги шу хилдаги ишларга белгиланган ва амалда бўлган иш нормаларига татбиқан конкрет шароитни ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

Мирзахўжа ака ўз колхозининг конкрет шароитларини назарда тутган ҳолда колхозчиларга қўшимча равишда бериладиган пуллари ҳисоблаб чиқди. **Йил бошида тузилган ишлаб чиқариш планига кўра, қўл меҳнати учун 1 июлдан то йил охирига қадар колхозчиларга 102 минг сўм пул тўланиши керак эди. Янги қарор туфайли бу пул 11 минг 900 сўм кўпайиб, 113 минг 900** сўмга етди. Қарорда ана шу фарқни қоплашга колхозларнинг ўз маблағлари етмай қолган тақдирда давлат кредит бериши айтиб ўтилган. Колхоз мутахассислари ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, давлатдан кредит олмасликка, ўртадаги фарқни ўз маблағлари билан тўла қоплашга қарор қилдилар. Шу мақсадда умумхўжалик ва маъмурий-бошқарма харажатларига ажратилган маблағдан 4850 сўм, капитал сарф-харажатларга ажратилган маблағдан эса 7 минг 50 сўм қисқартириш лозим топилди. Шундай қилиб, 1 июлдан бошлаб колхоз бўйича ўрта ҳисобда ҳар гектар ерга ишлов берилганлиги эвазига тўланадиган ҳақнинг устига 4 сўм 61 тийин қўшилади. Бу — партия ва ҳукуматимизнинг янги қарори туфайлидир.

Юзаки қараганда 4 сўм 61 тийин қўшилгани унчалик аҳамиятсиздай бўлиб туюлади. Аслини олганда эса колхозчиларга жуда катта фойдаси тегади. Буни аниқроқ тушунтириб бериш учун бир колхозчининг кўрадиган фойдасини келтириб ўтмоқчимиз. Ўртоқ Ҳ. Тўхтаев бошлиқ звено аъзоси Омонгул Маматқуловага 7 гектар пахта майдони ажратиб берилган. Қарор чиқмасдан олдинги ҳисоб-китобларга кўра у беш ой ичида ана шу 7 гектар майдонни парвариш қилганлиги учун 650 сўм 72 тийин ҳақ олиши керак эди. Илгари қабул қилинган тартибга кўра у то йиллик ҳисобот бўлгунига қадар ана шу пулнинг 80 процентини оларди. Шундай қилиб, Ўртоқ Маматқулованинг бир ойлик маоши 104 сўм 11 тийин қилиб белгиланган эди. **Партия ва ҳукуматимизнинг қарори туфайли унинг ана шу ҳақига 32 сўм 27 тийин қўшилади. Бундан ташқари у 1 июлдан бошлаб тегишли ҳақининг илгаригича 80 процентини эмас, 100 процентини олаверади. Ҳаммасини ҳисоблаб чиққанимизда, Омонгул Маматқуловаднинг ойлик маошига қарор туфайли 52 сўм пул қўшилади. 1 июлдан бошлаб унинг ўртача ойлик маоши 156 сўм 38 тийинни ташкил этади.**

Колхозчининг бойигани шу эмасми?! Бу хўжаликдаги қайси бир колхозчининг гарантияланган маошини кўрсатиб ўтмайлик, Ўртоқ Омонгул Маматқулованикидан қолишмайди.

> 1966—1970 **йиллар мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда камида 20 процент оширилсин, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан олаётган пул ва натура даромадлари ўрта ҳисобда 35—40 процент оширилсин, шу тариқа колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ даражасининг ишчи ва хизматчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ даражасига яқинлаштирилиши таъминлансин.**
>
> **(КПСС XXIII съезди Директиваларидан).**

ДАРОМАДГА ҚАРАБ — БУРОМАД

МОДДИЙ манфаатдорликни тобора ошириш учун зарур тадбир-чоралар кўриладиётгани туфайли колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги илгаригига сира қиёс қилиб бўлмайдиган даражада юксалиб бормоқда. Бу колхоз меҳнаткашлари ўтган йилларда яхши даромад қилдилар. Колхоздан тегаётган пул уларнинг рўзғорларидан ортиб, катта орзу-ҳаваслар қилишга ҳам тўла имкон берянти.

Халқимизда «Ўзбек бойиса уй солар» деган мақол бор. Бу хўжалик колхозчилари ҳам бойишяпти, янги-янги кўркам уй-жойлар солишяпти, уйларини қимматбаҳо жиҳозлар билан безашяпти. 12-звено аъзоси — оддий колхозчи Алиакбар Хўжаевнинг онласи яқингача ота-бобосидан қолган эски, кўримсиз уйда яшар эди. Алиакбар ака сувчилик қилиб, «оқ олтин» хирмонининг баракасига муносиб ҳиссасини қўшди, эл қатори тер тўкиб ҳалол меҳнат қилди. Хўжалик ҳисобининг, звено системасининг афзаллиги кўплар қатори унинг чўнтагига ҳам қут-барака киритди. Биргина ўтган йилнинг ўзида ойлик маошларидан ташқари йиллик ҳисоботда минг сўмдан ортиқ қўшимча даромад олди. Топган пули рўзғоридан ортиб-тортиб қолганлиги учун янги уй қуришни бошлаб юборди. Учта катта хона ва битта коридордан иборат бу бино бултур кузда битди. Хўжаевлар онласи кўркам уйга кўчиб кирди.

Уч-тўрт йил муқаддам «даромадининг мазаси йўқ» деб бу колхоздан бошқа ёққа кетиб қолганлар орасида механизатор Саидаҳмад Усмонов ҳам бор эди. У ўз колхозига қайтиб келгач, комплекс механизациялашган звенога бошчилик қила бошлади. Орадан кўп ўтмай унинг звеноси нарядсиз ишлашга кўчди. Шундан кейин, бу ерда ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам беқиёс ортаборди. 1964 йилда ҳозир Саидаҳмад акалар ишлаб турган ерлардан атиги 15,6 центнердан ҳосил олинган эди. Бултур улар ҳосилдорликни 29 центнерга етказишга муваффақ бўлишди. План анча ортиғи билан бажарилгани, давлатга фақат аъло сифатли пахта сотилгани учун звено аъзолари ҳам, Саидаҳмад ака ҳам жуда кўп қўшимча даромад олди. Саидаҳмад Усмонов рўзғорини бутлади, уй-жойини яхшилади. Ҳозир егани олдида, емагани кетида. Яқинда енгил автомашина ҳам сотиб олди. Учаотка ва звено бошлиқларидан Усмон Жумабоев, Муҳиддин Обидов, Ҳакимполвон Саидғозиев, Ислом Усмонов сингари ўртоқлар ҳам шахсий автомашинали бўлишди. Ҳозир кўпчилик колхозчиларнинг уйига кирсангиз, телевизор дейсизми, кир ювадиган машина дейсизми, холодильник дейсизми, мотоцикль дейсизми, ҳамма-ҳаммаси бор. Тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётган колхозчилар партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

КАТТА МАРРА

ЎЗЛАРИНИНГ ердаги меҳнатларини Валентина Терешкованинг қоинотдаги жасоратига тенглаштиришга қатъий бел боғлаган жаҳонда биринчи космонавт аёл номидаги колхоз меҳнаткашлари КПСС тарихий XXIII съезди қарорларидан ва беш йиллик Директиваларидан руҳланиб, беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга сўз берганлар. Ҳозир колхоздаги каттаю-кичик ҳар бир киши ана шу катта марра сари дадил интилмоқда.

Бу йил зиммага олинган социалистик мажбурият бўйича пландаги 1700 тонна ўрнига 2160 тонна пахта етиштирилиши, ҳосилдорлик гектар бошига камида 27 центнерга етказилиши, ялпи ҳосилнинг 65 проценти машиналар билан йиғиб-териб олиниши керак. Бунга эришиш учун колхозчилар эрта баҳорданоқ енг шимариб ишга киришиб кетишган.

Маълумки, бу йилги об-ҳаво шароитлари деҳқонга унчалик қўл келмади. Намгарчилик етарли бўлмади. Чигитни ердан бехато ундириб олишда анчагина қийинчиликларга дуч келинди. Бу ҳам етишмагандай, чигит униб чиққанидан кейин ғўзага шира, трипс сингари зararли ҳашаротлар тушди. Ҳарорат бир қанча муддатгача паст бўлиб турди. Буларнинг ҳаммаси ғўзани анча ривожланишдан орқада қолдирди. Лекин, колхоз деҳқонлари бу қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмадилар. Аксинча яна ҳам зўр бериб ишлай бошладилар. Ҳашаротга қарши кескин кураш олиб борилди. Ғўзани жадал ўстириш тадбирлари кўрилди. Бегона ўт битта қўймай кириб ташланди. Ғўзани ёшлигида тўйинтириб озиқлантиришга алоҳида аҳамият берилди.

Мана, энди барча майдонлардаги ғўза қулф уриб ўсяпти. Ҳамма пайкаллар қийғос гуллаяпти. Илғор деҳқонлар эса, эндиликда ғўзани кўсаклатиш тараддудига ҳам тушдилар. Уста деҳқон Усмон Жумабоев бошлиқ участканинг қайси пайкалини кўздан кечирманг, ёппасига гуллаган бўлиқ ғўзаларни кўрасиз. Моҳир механизаторлардан Ҳакимполвон Саидғозиев, Саидаҳмад Усмонов, Юнус Умурзоқов, Исроил Ёқубов, Қўчқор Худойбердиев сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган звеноларнинг ғўзалари колхознинг олди ғўзалари деб ҳисобланмоқда. Бу звеноларда ҳар тун ғўзада ҳозирданок 2—3 тадан гул ҳосил бўлган.

Ҳозир кун иссиқ. Ғўза қанча қониб сув ичса шунча баҳра олади. Буни яхши тушунган колхоз сувчилари кечаю-кундуз пайкал кезишяпти. Эгатлардан «чўмоли қадам» билан оқаётган сув ғўзаларнинг шонасига шона, гулига гул қўшяпти. Миришкор сувчилардан Тоҳир Эгамбердиев, Назир Жалолов, Ҳамид Абдураупов, Эргаш Ортиқов, Олимбой Каримов каби ўртоқлар билан колхозчилар ҳақли суратда фахрланмоқдалар.

Шак-шубҳа йўқки, «беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз» деб областимизда катта ташаббус кўтариб чиққан В. Терешкова номли колхознинг азамат деҳқонлари эл-юрт олдида берган сўзларининг устидан албатта чиқадилар, она-Ватаннинг «оқ олтин» хирмонини баракали қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Суратларда (юқорида). 1. Колхознинг илғор звеноси бошлиғи — механизатор Қўчқор Худойбердиев. 2. Хўжаликда ғўза қатор ораларини культивация қилиш пайти. 3. 17-звеноннинг миришкор сувчиси Тоҳир Эгамбердиев.

Пастдаги суратда колхозчиларга бевосита даланинг ўзида пул тарқатиш пайтини кўриб турибсиз. Чапда — колхоз кассири Солижон Исҳоқов.

А. Абалян фотолари.

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

ДЎСТЛИК ОҚШОМИ



Дўстлик кечаси тантанали вазиятда очилди.

Ўзбек ва украин, рус ва озарбайжон арман ва белорус бинокорлар бир зумда тўғишганлардек нюқ бўлиб кетишди.

Ўзбек дўпписи ҳаммага ярашаверади.

Украин қурувчиларининг сардори А. Невинчанний билан ўзбек қизлари — опа-сингил: Маҳфуза, Маъмуралар қизғин суҳбатлашар эдилар.

Ўйин-кулги, шўх рақс, қўшиқ, қувноқ ханда Санъат саройини алламаҳалгача тарк этмади.

А. Абалян фотолари.

Қуёш уфққа йўл олди. Дарёдек уйғоқ ва заҳматкаш Тошкентимизда яна бир баракали иш куни тугади. Азим шаҳримиз бунёдкорлари ишчи кийимларини энди байрам кўйлакларига алмаштирдилар. Шаҳар кўчалари, майдонлар байрам тусини олди. Бинокорлар шинам қилиб безатилган машиналарга тушиб, дўстлик кечаси ўтказиладиган Санъат саройи томон ошиқардилар.

Тантанали кеча белгиланганидан барвақт бошланди. Карнайсурнай садолари, чилдирмаларнинг гумбур-гумбури янги Тошкентни қуриш учун қардош республикалардан келган бинокорларнинг вакилларини учрашув кечасига чорлаб турарди. Шу оқшом Санъат саройининг чор атрофи, муҳташам заллари жуда серфайз ва гавжум бўлиб кетди.

ИСТИҚБОЛДАН ҲИКОЯ

Санъат саройининг фойесида шу куни бўлган киши ўзини гўё меъморчилик санъати кўригида иштирок этаётгандек ҳис қиларди. Гап шундаки, бу ерда қардош республикалар ва Тошкент меъморларининг ижодий маҳсули — янги бинолар, кўчалар, майдонлар лойиҳа ва макети худди кўргазмалардагидек намойиш қилинди. Бу экспонатларнинг ҳар бири қадрдон Тошкентимизнинг порлоқ истиқболидан бизга ҳикоя қилиб берарди.

...Она еримизнинг нотинч қалби ҳамон безовта. Пойтахтимизда биринчи кучли ер қимирлашдан буён икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Бироқ ҳозир ҳам еримиз бот-бот силкиниб турибди. Сейсмик станция асбоблари кетма-кет рўйхатга олаётган силкинишлар ҳисоби 500 дан ошиб, 600 га қараб кетди. Табиий офатнинг ер ости ҳамласи шаҳримизнинг каттагина қисмини вайрон қилди, ўн минглаб хонадонларни уй-жойидан маҳрум этди, кўплаб жамоат биноларимизга шикаст етказди. Аммо бу офат мард халқимиз иродасини сира буколмади, яратувчилик меҳнатимиз йўлига кўндаланг бўлолмади, ширин орзуларимиз қанотини қайиролмади.

Заҳматкаш пойтахт аҳолиси партия ва ҳукумат мадади, барча қардош халқлар ёрдами билан янги ва навқирон Тошкентни бунёд этишга астойдил киришди. Бундан аввал муаззам шаҳримизнинг марказий қисмини қайта қуриш режаларини тузиб қўйган эдик. Зилзиладан кейин ҳам бу режаларимиз кун тартибидан олиб ташланмади, балки муддатларига тузатиш киритилди, холос.

Бўлажак Тошкентимиз қиёфасида бугун Совет Иттифоқи халқлари миллий меъморчилик санъатининг ёрқин намойиши акс этиб турибди. Пойтахтимизда тикланадиган ҳар бир бино, маҳалла, кўчада шу участкани қураётган қардош халқ архитектурасининг намуналари ўз ифодасини топади. Экспонатлар намойиш қилинаётган фойедан буни айниқса яққол пайқаш мумкин.

Украина кварталлари! Ана шундай кварталлардан бири ҳозир Чилонзор массивида тикланаяпти. Келаси йилдан бошлаб эса Марказий универмаг атрофида яна бир Украина кварталлари қад кўтара бошлайди. Мана, ўша кварталнинг макети. Ана шу уй-жой массиви 37 гектар майдонга қулоч ёзади. Унда 113,5 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой, мактаб, магазин, даволаш муассалари, болалар боғча-яслиси, қўйингки, инсоннинг фаровон турмуши учун нимаики зарур бўлса, барчаси бунёд этилади. Ана шу массив 12 минг кишилик аҳолига мўлжалланмоқда.

Экспонатларнинг ҳар бири — Тошкентимиз истиқболи, бўлажак пойтахтимизнинг бир қисми. Эндиги вазифа архитектура жиҳатидан кўркам, 8—9 балли зилзиларга бардош бера оладиган бинолар ва иншоотлар қуришдан иборат. «Узгоспроект» ижодкорлари лойиҳасини тайёрлаган 11 қаватли Ёшлар уйи, «Ташгипрогор» институти лойиҳачилари ишлаб чиққан 9 қаватли уй-жой бинолари ана шундай замонавий талабларга тўла жавоб беради.

Ҳозир эса пойтахтимизнинг ёрқин келажаги сари биринчи қадам қўйилди. Дастлабки бинолар пойдевори битди, ғишт терила бошланди, эрта-индин бу уйлар ўз эгаларини қучоқ очиб кутиб олади.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Бу одамларнинг кўпчилиги бир-бири билан энди учрашиб туришибди. Аммо улар эски қадрдонлардек суҳбатлашишар, ҳазилмутойба қилишарди. Ана, қаршимизда уч киши ўзаро суҳбатда. Деворга яқин турган кенг яғринли, қувноқ боқишли, ҳазилкаш кишини дарҳол танидик. Ўни тунов куни янги қурилаётган Украина кварталида учратганмиз. Анатолий Иванович Невинчанний — 3-Киев қурилиш поездининг бошлиғи. Ёнидаги суҳбатдошлари — ўзбек қизлари опа-сингил Маҳфуза ва Маъмура Ғуломовалар. Маҳфуза—Тошкент Давлат университетининг студенткаси. Маъмура Давлат педагогика институтида ўқийди. Улар нималарни гаплашаётганикинлар? Буни суҳбатга аралашмай туриб ҳам сезиш қийин эмас. Албатта Анатолий Иванович ҳозир коллективининг меҳнати ҳақида, 80 квартирали биринчи уйни янги йил арафасида эмас, балки 5 декабрь кунигача фойдаланишга беришга аҳд қилганликлари тўғрисида гапириб бераётган бўлса керак. Қизлар-чи?

Кўриниб турибди, Маъмура тўлқинланиб гапираяпти. Эҳтимол, у институт студентларидан 2000 киши шу кеча-кундузда янги Тошкентни бунёд этишда қатнашаётгани, бригадаларга бўлиниб, қурилишларда, ремонт ишларида, бинокорлик саноати корхоналарида ишлашаётгани ҳақида сўзлаб бераётгандир. Балки, у ўзининг бир группа дугоналари билан биринчи ёғоч ишлаш заводида ишчиларга кўмаклашаётганини гапириб бераётганмикин. Дарвоқе, гурунглардаги суҳбат дўстлик, қардошлик ҳақида, пойтахтимиз келажаги тўғрисида, зилзиланинг ўқтин-ўқтин ҳамласи ва унга кимнинг қандай бардош берганлиги хусусида бораётганлиги турган гап.

Ҳозирги Тошкентни кураш майдонига тенглаштириш мумкин. Чиндан ҳам шундай. Шаҳримизда табиий офат кучи билан халқ иродаси, жасорати тўқнашиб турибди. Одатда бундай кураш майдонларида бир томондан қизғин жанг бораётган бўлса, иккинчи томондан бадиий асарлар, санъат намуналари туғилади. Ю. Шипов Тошкентга Луганскдан келган. У комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилмоқда. Унинг бригадаси уйсозлик комбинатида меҳнат қилиб, кунлик нормани икки баравардан ado этаяпти.

Юра шеърлар ёзади. Тошкентга келгач, қаҳрамон халқ, янги шаҳарни бунёд этишга отланган қардош бинокорлар меҳнати унга илҳом бағишлади. Шундан кейин унинг «Тошкент» поэмаси яратилди. Дўстлик оқшомида ўзининг ана шу достонидан парча ўқиркан:

Зарбдор меҳнат тўхтамас асло,
Токи сўнгги чодир йиғилмагунча деб гражданлик ваъдасини берди шоир.

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАСИ

Неча-неча қувончли ва тантанали дамлар, воқеалар гувоҳи бўлган Санъат саройининг 2,5 минг ўринли серҳашам зали бугун торлик қилиб қолди. Бу кечага гўё бутун мамлакат қатнашмоқда эди. Барча миллат вакилларини, мамлакатимиз ёшлигини кўриш мумкин эди залда.

Дўстлик оқшомини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулев кириш нутқи сўзлаб очади. Гулдурос қарсаклар остида саҳнага СССР ҳамда ўн беш қардош республиканинг давлат байроқлари олиб чиқилади. Бу байроқлар бугунги Тошкент диёрида ёнма-ён меҳнат қилаётган турли миллат ўғил-қизларини ягона аҳил оилага бирлаштириб турибди.

Зал узра Тошкент жамоатчилиги, қардош бинокорлар вакилларининг юрак сўзлари парвоз қилади. Чилонзор бунёдкорларидан бири, СССР Олий Советининг депутати Х. Баҳодиров ниҳоятда тўлқинланиб, янги Тошкентни қураётган барча бинокорларга ўртоқлари номидан ташаккур изҳор қилади.

— Олтин ўтда, одам меҳнатда, дўстлик кулфатда синалади, деган ажойиб мақол бор. Совет халқлари дўстлиги яна бир бор синовдан ўтмоқда, — деди Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Авазов. — Марҳамат, азизлар. Колхозимизга боринг. Ҳозир меваларимиз ғарқ пишган: ўз қўлларингиз билан узиб енг.

— Янги Тошкент Иттифоқимизнинг энг кўркам шаҳарларидан бири бўлиб қолиши учун бугун куч-ғайратимизни аямай меҳнат қиламиз, — деб ишонтирди Москванинг 171-қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Аллахверди.

— Сергелига бугун борсангиз, танимайсиз. Иттифоқимизнинг ҳамма ҳарбий округларидан келган, 40 миллат вакилларидан иборат ҳарбий қурувчилар йўлдош шаҳарчани тез ва соз қуриш иштиёқи билан меҳнат қилаётирлар, — деди ҳарбий бинокор Н. Коцюба.

— Тошкент қурилиши ҳам қардош халқларнинг ўзига хос мусобақаси. Бу мусобақада ортда қолмаслик учун ҳаракат қиламиз, — деди Озарбайжон бинокорларининг старший прораби Г. Алиев.

— Саҳоватли қалбингиз, олий ҳимматингиз, зарбдор меҳнатингиз учун раҳмат, — деб хитоб қилди ёзувчи Ҳамид Ғулом.

Раислик қилувчи Тошкент бунёдкорларини шаҳар пионерлари табриклагани келганликларини айтганида бутун зал оёққа туради. Фанфаралар садолари янграб кетади. Залга пионер отряднари кириб келишади. Пионерларнинг бошидаги қалпоқчалари, эгнидаги кийимлари турли рангда эди: камалакдек товланарди. Улар қурувчиларни табриклаб бўлишгач, ҳамма миллат вакилларини бирзумда ўзбек қилиб қўйдилар. Барча қурувчиларга дўппи кийдириб чиқишди, гулдасталар тақдим қилишди.

Кеча охирида халқларимиз дўстлигига бағишланган катта концерт қўйиб берилди. Ўзбек қўшиқлари рус лапарларига, қирғиз ўлани грузин куйларига, украин рақси қозоқ ўйинига уланиб кетди.

Тошкент бунёдкорларининг дўстлик оқшоми тантаналари катта мушакбозлик билан тугади.

Т. МИРҲОДИЕВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Якшанба куни «Пахтакор» стадионига тўпланган неча минглаб ҳамшаҳарларимиз катта спорт байрамини завқ билан тамоша қилишди. Суратда: парашютдан сакраш бўйича машқ бажариляпти. Олдинда моҳир парашютчи Голдобина.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18,00 — Телевизион янгиликлар, 18,20 — Ленин ҳақида ҳикоялар (мактаб ўқувчилари учун), 18,40 — Оятиддан қиммат, пўлатдан маҳкам (телеочерк), 19,00 — Халқ Ленинианаси (телефильм), 19,25 — Студентлар учун, 20,10 — Чорвоқ кундалиги,

20,30 — Эртаги кун программаси.

Рус тилида: 20,35 — Телевизион янгиликлар, 20,50 — Юмористик новеллалар, 21,30 — Телба (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18,10 — Кичкинтойларга китоблар, 18,35 — Тошкент янгиликлари, 18,45 — Замондош (телеочерк), 19,05 — Ҳаво машъаллари (илмий-оммабоп фильм), 19,30 — Американинг фантастлар нўзи билан (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20,35 — Шаҳар ликлар учун, 20,55 — Тошкент янгиликлари, 21,05 — Йўлдаги уй (ҳужжатли фильм), 21,25 — Бизнинг кўча (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Мартаба — ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Кларнетлар садоси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ёшлик ҳақида (эрталаб соат 10 да), Севги ва нўз ёши (кундуз 2 ва кеч 8 да), Ёз ҳикоялари (кундуз ва кечқурун) — «МОСКВА».

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда)

Росалия мантубларн — КАФАНОВ номли.

Кларнетлар садоси — НАВОИЙ номли.

Мартаба — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ёз ҳикоялари — «ВАТАН».

Жосус билан учрашув — «УДАРНИК».

Май ойи — ПУШКИН номли.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профтехника таълими давлат комитетининг

36-ШАҲАР ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига камида 5 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қуйидаги кадрларни тайёрлайди:

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар — ўқиш муддати — 1 йил;

плиткачилар — ўқиш муддати 2 йил.

Суваокчи, бўёқчилар тайёрлайдиган 6 ойлик курсга ҳам ўқувчилар қабул қилинади. Машғулотлар 1 июлдан бошланади.

Қабул қилинганлар бош-оёқ кийими, иш кийим, кунига 3 маҳал иссиқ овқат билан, бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан ҳам таъминланади. Ўқиш бепул.

Ўқувчилар давлат таъминотида бўлади.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумот ҳақида гувоҳнома, турар жойдан справка, мактабдан характеристика, соғлиғи ҳақида справка, таржимаи ҳол, 3 1/2×6 сантиметр ҳажмида 6 та фотокарточка. Туғилиш гувоҳномаси ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Сарбон кўчаси, «Пахта» маҳалла, 5-уй (40-автобуснинг «Пахта» остановкаси).

Қўйлик қишлоқ хўжалигини механизациялаш индустриал техникуми ҳузурида

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» УЧУН ШОФЕРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК

курс очилади

Ўқиш 1 июлдан бошланади.

Курсга 7-11 синф ҳажмида маълумотли кишилар 17 ёшдан тортиб қабул қилинади.

Қабул қилинганлар кунига 3 марта бепул овқат, кийим ва стипендия билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Қўйлик поселкаси, Карл Маркс кўчаси, 20-уй.

Жаҳон янгиликлари

Ж. САМБУГА ҲАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

УЛАН-БАТОР, 25 июнь. (ТАСС). Бугун Улан-Баторда халқ Монголиясининг атоқли жамоат ва давлат арбоби, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг раиси Жамсарангийн Самбуга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти топширилди.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотлари комитетининг раиси академик Д. В. Скобельцин лауреатни халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун унга берилган юксак мукофот билан табриклади ва лауреатлик дипломи ва медалини Самбуга топширди.

Мажлис аҳли томонидан самимий кутиб олинган Ж. Самбу нутқ сўзлади. Менга улуғ Ленин номидаги фахрли мукофот берилганлигини, деди у, халқ революцион партиямиз ва халқ давлатимизнинг, мамлакатимиз жамоатчилигининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматларига берилган юксак баҳо деб биламан.

Ж. Самбу айтдики, лауреат сифатида менга бериладиган пул мукофотини болалар муассасалари эҳтиёжларига сарфлаш учун давлат фондига зўр мамнуният билан топшираман.

Пировардида Ж. Самбу монгол ва совет халқлари бузилмас абадий дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги яшасин, бутун дунёда тинчлик бўлсин, деб хитоб қилди.

ҚОТИЛЛАР КЎП ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги озодлик агентлиги эълон қилган аниқ маълумотларга асосланиб, қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг жангчилари 8 июнда Тхузаумот вилоятидаги 13-тош йўлда бўлган жанг вақтида америка солдатларидан 300 кишини ва Жанубий Вьетнам ҳукуматининг армиясининг солдатларидан 200 дан ортиқ кишини ўлдирдилар, ярадор қилдилар ва асир олдилар. Ватанпарварлар бу жангда бир неча танк ва юк машинасини яксон қилдилар ҳамда душманнинг 7 самолётини ва бир вертолётини уриб туширдилар.

Озодлик армиясининг Куангнгай вилоятидаги жангчилари ҳам душманга қақшатгич зарба бермоқдалар. Куангнгай шаҳридан 17 километр жанубдаги 1-тош йўл яқинида икки кунлик (11 ва 12 июнь) жангда душманнинг иккитадан ортиқ батальони ва ротасини сафдан чиқардилар, иккита бронетранспортер ёндириб юборилди.

Бариа вилоятидаги ватанпарварлар 4 июнда тамом бўлган 20 кунлик жанг вақтида душманнинг 1020 солдатини, шу жумладан америка агрессорларининг 955 солдатини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар. Улар шу вақт ичида душманнинг 2 самолетини, 13 вертолетини уриб туширдилар, 4 бронетранспортерни яксон қилдилар ва кўп миқдорда ҳар хил қурол-яроғларни ўлжа олдилар.

П. ПАРДЕДЕ ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Жакарта радиоси берган хабарга асосланиб, Сингапурдан қуйидагиларни маълум қилади: Мендаги (Шимолий Суматра) ҳарбий трибунал Индонезия Коммунистик партияси Сиёсий Бюросининг аъзоси П. Пардедени ўлим жазосига ҳукм қилди.

П. Пардеде «30 сентябрь ҳаракати»га алоқадор деб айбланди.

АФРИКАДАГИ ЎН ТЎРТ ДАВЛАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Мадагаскар пойтахти — Тананариведа Африка—Малагасия ташкилоти (ОКАМ) иштирокчиларга бўлган давлатлар бошлиқларининг конференцияси очилди.

Африкадаги Франция ва Бельгиянинг собиқ мустамлакалари бўлган 14 мамлакат ана шу ташкилотга бирлашган.

Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, конференция ОКАМ хартиясини тасдиқлаши ва Африкадаги француз тилида гаплашувчи давлатлар иттифоқи тузиш масаласини қараб чиқиши лозим.

АМЕРИКА ПОЛИГОНИ ТУГАТИЛДИ

ТОКИО. (ТАСС). Фудзияма тоғи этагида бўлган Хигаси—Фудзи полигонида Америка қўшинларининг қарийб йигирма йил давом этган ҳукмронлиги барҳам топди. Ана шу полигон атрофидаги район аҳолиси қаттиқ кураш олиб борганлиги натижасида Америка ҳарбий маъмурлари 9 минг гектар ерни Японияга қайтариб беришга мажбур бўлдилар.

«КОСМОС-122»

ТАСС АХБОРОТИ

1966 йил 25 июнда Совет Иттифоқида Ерининг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-122» учирилди.

Йўлдош ичига, ТАСС томонидан 1962 йил 16 мартда эълон қилинган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжаллаган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош мўлжалга яқин бўлган қуйидаги параметрлардаги гардишсимон орбитага чиқарилди:

— Дастлабки айланиш даври—97,1 минут.

— Ер сатҳидан узоқлашув масофаси — 625 километр чамаси.

— Орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема: приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турувчи радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

АМСТЕРДАМ ЁШЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

ГААГА. Амстердам бургомистри Амстердам полициясини қайтадан ташкил этиб, унинг бошлиғини бўшатиб юборишни, шунингдек шаҳар бургомистри лавозимига сайлаб қўйишни (ҳозирги вақтда бургомистр қиролича томонидан тайинланмоқда) талаб қилаётган ёшлар ташкилотларининг намойишларини ўтказишни тақиқлади. Бундан бир неча кун илгари бинокор ишчиларнинг намойиши вақтида полициянинг сурбетларча қилган ҳаракатлари ва полиция билан тўқнашишдан кейин бир ишчининг фожиона ўлганлиги ёшларнинг ана шу талабларини илгари суришларига сабаб бўлди.

Бургомистрнинг ана шу тақиқлашига қарамай, ёшларнинг бир группаси намойиш ўтказишга ҳаракат қилди. Полиция 25 кишини қамоққа олди.

(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р-08546. ИНДЕКС 64969. Г. 1146.